

814 - وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ جَرَ ثَوْبَهُ حَيْلَاءَ لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: فَكَيْفَ تَصْنَعُ النِّسَاءُ بِذُيُّولِهِنَّ، قَالَ: «يُرِخِينَ شِبْرًا». قَالَتْ: إِذْنْ تُنْكَشِفُ أَقْدَامُهُنَّ! قَالَ: «فَيُرِخِينَهُنَّ ذِرَاعًا لَا يَزِدْنَ». رَوَاهُ أَبُو ذَأْوَدَ، وَالْتَّرمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيقٌ [د 4117، ت 1731]

814. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким манманлик билан кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмас»,** дедилар. Шунда Умму Салама: «Аёллар этакларини қандоқ қиласылар?» деди. **«Бир қарич тушириб оладилар»,** дедилар у зот. «Ундоқ бўлса оёқлари очилиб қолади», деди у. **«Бир зироъ тушириб оладилар, ундан оширмайдилар»,** дедилар у зот».

Абу Довуд ва Термизийлар ривоятлари. Термизий ҳасан, саҳиҳ, деган.

**Шарх:** «Зироъ» - ўртача икки қарич узунлигидаги ўлчов бирлиги.

Аввал ўрганиб ўтганимиздек, мусулмонлар манманлик ила кийимларини осилтириб, ерга судраб юришдан қайтарилганлар. Бу амр эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам экан. Аммо аёлларга сатр иши қаттиқ таъкидланганидан мазкур хукмда уларга хос чегара белгиланган экан. Ушбу аёллар учун хос ҳукмнинг шариатга киритилишига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжай мutoҳҳараларидан бирлари Умму Салама онамиз сабабчи бўлган эканлар.

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким манманлик билан кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмас», дедилар».**

Аввал ўрганиб чиққанимиздек, бу жумлада баён этилаётган жазо оғирдир. Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг назаридан бенасиб қолиш, деганидир.

Умму Салама онамиз аёллик ҳислари билан аёлларнинг ғамини қилдилар. Улар этаклари узун кўйлак кийишлари шартлигини ўйлаб, у ҳолда ҳозир айтилган гаплар нима бўлади, деган хаёлга бориб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Аёллар этакларини қандоқ қиласдилар?» деб савол бердилар.

Уларнинг этаклари узун, шундоқ бўлиши керак ҳам. Агар манманлик ила кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмаса, аёллар ҳам этакларини болдиринг ярмидан кесиб ташлашлари керакми? Ёки бошқа бирор ечим борми?

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга бошқа ечим борлигини билдириб жавоб бердилар:

**«Бир қарич тушириб оладилар», дедилар у зот».**

Бу ҳам аёлларнинг тўсиниб юришлари муҳимлиги учун қилинган истиснодир. Лекин Умму Салама онамиз аёлларнинг ўзларига хос ҳассослик билан масалани яна ойдинлаштиришни ирода қилиб:

**«Ундоқ бўлса, оёқлари очилиб қолади», дедилар.**

Яъни, аёллар этакларини бир қарич тушириб юрганларида ҳам оёқлари очилиб қолиши турган гап. Унда нима бўлади?

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳал қилувчи жавобни бердилар:

**«Бир зироъ тушириб оладилар, ундан зиёда эмас», дедилар У зот».**

Бир қарич туширилган этакларидан ҳам оёқлари очилиб қоладиган бўлса, аёллар этакларини бир зироъ-икки қарич тушириб юрсинлар. Аммо ундан ортиғига рухсат йўқ. Ушбу сўздан мақсад аврат ҳисобланадиган жойни номахрамларга кўрсатмаслик экани келиб чиқади. Мақсад қанча узун ёки қисқа бўлишида эмас экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муслима аёлларнинг кийимлари дунёдаги энг гўзал, энг чиройли, энг одобли, энг яхши, энг муҳими эса - Аллоҳнинг амрига мувофиқ кийимлардир. Бундан ортиқ шараф бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу кийимларга Аллоҳни унуган, Аллоҳдан кўрқмаганларгина қарши чиқадилар. Чунки Ислом душманлари муслималар динларига амал қилсалар, Ислом жамияти енгиб бўлмас кучга айланишини

яхши биладилар. Бу масалани барча мусулмонлар яхши англаб етишлари ва шунга яраша ҳаракат қилишлари лозим.

Уламо аҳли муслима аёлнинг либоси тўғрисидаги барча ҳужжат ва далилларни пухта ўрганиб чиқиб, жумладан, қуидаги мулоҳазаларни айтганлар;

1. Аёл кишининг либоси таги билиниб турадиган даражада юпқа ва тор бўлмаслиги лозим.
2. Аёл киши тилло ва кумуш билан безалган, нақшланган кийимларни кийиши жоиз.
3. Аёл киши эркак кишининг кийимини кийиши ҳаром.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

